

ЮРИДИК ШАХС ВА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНГАН (ШАКЛЛАНМАГАН) ХУСУСИЙ ТЎДБИРКОРЛАРГА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА № 2.

Шахрихон шаҳар

2022 йил " 05 " ЯнвАР.

(сана)

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги томонидан «Ўзбектелеком» АК берилган АА №0001869 Лицензия
номидан бундан буён «Оператор» деб аталувчи, «Ўзбектелеком» АК Андижон филиали Шахрихон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи У. Ингиталиев
Шахрихон туман Давлат Солиқ Инспекцияси _____ номидан

бошлиғи Хикматилло Сотволдиев

(Операторнинг номи)

телекоммуникация Оператори (ваколатли шахс) бир томондан ва ундан буён «Абонент» деб аталувчи,

Абонент: Шахрихон туман Давлат Солиқ Инспекцияси	Юридик шахс <i>Ушбаков Раҳимжон Биринчи</i>
Раҳбарнинг лавозими, бошлиғи Хикматилло Саволдиев	<i>М. Меттев</i>
Бош ҳисобчи:-	<i>М. Акбаров</i>

иккинчи томондан, бундан буён «Томонлар» Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қондалари» (бундан буён мағнада «Қондалар») га биноан қўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш, Абонент эса, шартнома шартларига мувофиқ ушбу хизматлар учун тўлов тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.1 Абонентга ажратилган абонент рақамлари рўйхати: иловага асосан

1.8 Телекоммуникация хизматлари тўлови бўйича ҚҚС мавжудлиги: ҚҚС билан

1.9 Абонент тоифаси бюджет ҳисобидаги кашкилот телефон рақамлари

(бюджет, ҳўжалик ҳисобидаги)

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Оператор қўйидагиларга мажбур:

2.1.1 Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стандартлари, Қондалари ва нормаларига мувофиқ, ўз вақтида, белгиланган сифатда телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш.

2.1.2 Абонентнинг станция ва линия-кабель техник шикастланишларини бартафариқ этиш учун буюртмаларини қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан белгиланган, 20 кундан ошмаган муддатларда бажарилишини таъминлаш.

2.1.3 Телефон алоқаси Абонентнинг айбисиз бузилган ҳолларда, ариза таъмирлаш бюросига берилган кундан бошлаб, абонент телефони ишламаган бутун даври учун абонент тўловларини қайта ҳисоб-китоб қилиш.

2.1.4 Станция ва линия-кабель иншоотларини режадаги реконструкция қилиш ишлари натижасида телефон алоқаси вақтинча узиладиган ҳолларда, Абонентларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш.

2.1.5 Техник сабабларга қўра, абонент рақамининг ўзгартирилиши тўғрисида Абонентни ёзма равишда, хабарнома билан камида 10 кун олдин хабардор қилиш.

2.1.6 Янги телефон станцияларини татбиқ этилиши ва телефон тармоқларини реконструкция қилиниши муносабати билан Абонентнинг розилигисиз, лекин амалдаги «Қондаларга асосан олдиндан хабардор қилган ҳолда, телефон рақамларини бепул алмаштириш.

2.1.7 Абонентнинг аризасига қўра, аризада кўрсатилган муддатга рақамни сақлаган ҳолда, телефонни вақтинча ўчириш. Бунда рақамни сақлаш вақти учун абонент тўлови олдиндан ундирилади.

2.1.8 Маҳаллий телефон алоқаси хизматларга вақтбай ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб варагини чиқаришда ҳақ тўланган даврга алоҳида ҳақ учун батафсил ҳисобни тақдим этиш.

2.1.9 Абонент томонидан фойдаланиладиган Операторда рўйхатга олинмаган ёки мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган охириги қурилмаларини (телефон аппаратлари, телематик хизматлар, маълумотлар узатиш қурилмаларини, радиотелефонлар, радиоузаитиргичларни, шахсий компьютер, РАА ва ҳоказо) икки томонлама далолатнома тузиш орқали ўчириш.

2.1.10 Абонент қурилмасини телефон алоқаси тармоғидан вақтинчалик узиб қўйиш йўли билан телефон алоқаси тармоғидан фойдаланишини тўхтатиш:

- Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматлари учун тўловлар ўз вақтида ҳақ тўланганда, бу ҳақда Абонентни ўчириб қўйишдан 10 кун илгари телефон орқали ёки ёзма хабарнома билан огоҳлантириладиган;

- Телекоммуникациялар Операторининг коммутация усқуналари нормал ишлашининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган абонент қурилмаларидан фойдаланиш қондалари Абонент томонидан бузилганда;

- 2.2.6-банд шартлари бузилганда, икки томонлама далолатнома тузиш орқали бузилишларни бартафариқ этилгунга қадар.

Абонент қурилмаларининг вақтинчалик ўчирилишига олиб келган бузилишлар бартафариқ этилганда, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ, шунингдек абонент қурилмаси Абонент айби билан ишламаган вақт учун абонент тўлови Абонент томонидан тўланганда кейин бир кеча-кундуз ичида абонент қурилмасини улаш. Бунда улаш учун тўлов олинмайди.

2.1.11 Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматларнинг охириги қурилмаларини (телефакс, телекс, видеотекс, маълумотлар узатиш ва бошқалар) шартномага қўшимчалар киритган ҳолда (7-бўлимга биноан) рўйхатга олиш.

2.1.12 Абонентнинг хоҳишига қўра, шартнома шартларига биноан барча телекоммуникация хизматлари учун тўловлар тўланганда шартномани бекор қилиш.

2.2 Абонент қўйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ўз телефони ва/ёки бошқа охириги қурилмалардан амалга оширилган, кўрсатилган телефон алоқаси хизматлари (шу жумладан, тармоқларнинг техник имкониятлари билан белгиланадиган ва барча Абонентлар учун очик бўлган телекоммуникациянинг қўшимча хизматларидан, жумладан интеллектуал тармоқлардан фойдаланганлиги, маълумотлар узатиш ва Интернет, ахборот ресурсларидан фойдаланиш хизматлари тармоғидан паролсиз фойдаланганлиги) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш. Ушбу шартномада кўрсатилмаган ва талабга биноан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги тарифларга мувофиқ тўлов тўлаш.

2.2.2 Йилнинг ҳар чорағида камида бир мартаба Оператор билан тўловларни ўзаро солиштириш далолатномасини тузиш.

2.2.3 Операторга тегишли ёки Оператор томонидан хизмат кўрсатиладиган ва Абонент фойдаланаётган телефон сими ва бошқа усқуналарни бут ва соз (ишга яроқли) ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникациялар воситаларининг техник нормаларга мослигини таъминлаш.

2.2.4 Алоқа бузилаганлиги тўғрисида телекоммуникация боғламасини таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

2.2.5 Бир ойлик муддатда ёзма равишда санани кўрсатган ҳолда, Операторга реқвизитларнинг, ташкилот номининг ўзгариши, хонани ижарага берилиши ҳақида хабар бериш ва амалдаги тариф бўйича тўловларни тўлаш билан шартномани қайтадан тузиш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугагандан ёки ижара шартномаси бекор қилингандан сўнг телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчига тўловсиз расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қилар экан, ижарачининг Оператор олдидаги қарзларининг қопланишини назорат қилади ва қарзларнинг мавжудлиги учун белгиланган тартибда жавобгардир.

2.2.6 Оператор ходимларида тегишли, амал қилиш муддатига эга бўлган суратли, муҳр босилган шахсий гувоҳнома, ишларни бажариш учун наряд мавжуд бўлганда, Абонентнинг «Қондаларга ва ушбу шартномага риоя қилишини текшириш ёки Абонент талабномаси бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун руҳсат бериш.

2.2.7 Абонент қурилмасидан таксофон сифатида ёки Интернетга уланиб, пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланмаслик. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамлари орқали телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш. Ушбу банд бузилган ҳолда, Оператор икки томонлама далолатномани расмийлаштириш орқали бузилишлар бартафариқ этилгунга қадар, Абонентнинг телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Қондалар такрор бузилганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.8 Абонент ўзининг абонент линиясидан ва охириги терминал қурилмасидан Интернет тармоғига улашиш учун фойдаланаётган ва жумладан қайта улашиш дастурларига уланган вақтдан бошлаб у чиқувчи телефон трафикарига ҳам жавобгардир.

2.2.9 Абонент қурилмаси сифатида факат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа қурилмалардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган рақамни автоматик аниқловчи (РАА) қурилмалардан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган рақамни автоматик аниқловчи (РАА) қурилмалардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган рақамни автоматик аниқловчи (РАА) қурилмалардан фойдаланиш.

- 2.2.10 Ўзбошимчилик билан охириги қурилмаларни ўрнатмаслик, параллель телефон аппаратлари ёки бошқа радиоалоқа, телематик хизмат ва маълумотларни узатиш охириги қурилмаларини уламаслик. Ушбу қурилмаларни улаш Оператор хабардор қилингандан сўнг ва мувофиқлик сертификатига эга бўлганда амалга оширилади.
- Абонент линиясига Операторда рўйхатга олинмаган абонент қурилмалари Абонент томонидан ўзбошимчилик билан уланган вақтини аниқлаш мумкин бўлмаганда, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ундирилади.
- 2.2.11 Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситаларни (қуввати 10 мВт дан кўп бўлмаган шнурсиз телефонлардан ташқари) уларни эксплуатация қилишга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан ёки унинг ваколатли органидан рўхсат олинганда ва Операторни хабардор қилингандан кейин абонент қурилмаси сифатида улаш.
- 2.2.12 Телекоммуникациялар тармоқларининг иш сифатини пасайишга ёки шикастланишига йўналтирилган ҳаракатлар қилмаслик.

3. ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИГА ҲАҚ ТўЛАШ

- 3.1 Телефон алоқаси хизматларига ҳақ тўлаш конун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади ва хизматлар кўрсатилган пайтда амалда бўлган тарифлар бўйича ҳақ тўланади.
- 3.2 Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, тўлов талабномаси (ҳисоб-варағи) асосида акцепт тартибиде ёки Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш бўйича Низомга мувофиқ тўлов топшириқномаси асосида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 3.3 Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларига тўлов олдинги ой учун тўлов суммасидан 100 фоиз миқдорда қуйидагича амалга оширилади:
- олдиндан ҳақ тўлаш йўли билан;
- 3.4 Маҳаллий тармоқ хизматларидан фойдаланганлик учун тўлов ҳисобот (жорий) ойнанинг улаши санасидан кечиктирмастан амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишда тўловни қабул қилиш бир ойдан кам бўлмаган, лекин 12 ойдан ошмайдиган муддат учун амалга оширилади.
- 3.5 Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан ҳақ тўлашда аванс тўлови 100 фоиз миқдорда берилади, Ушбу бандда кўрсатилган хизматлар учун тарифлар амалда улар юзасидан ҳисоб-китоблар аванс суммаси тугагунга қадар, агар ушбу хизматлар юзасидан тўлов универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида эълон қилинганча ошганда амалга оширилади.
- 3.6 Маҳаллий (хизматларга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизими жорий қилинган бўлса), халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасидан, шу жумладан, маълумотларни узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов ҳисоб варақасида кўрсатилган суммалар саналган бўлганда, аванс суммаси тугагунга қадар, агар ушбу хизматлар юзасидан тўлов универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида эълон қилинганча ошганда амалга оширилади.
- 3.7 Абонент ҳисобот давридан кейинги бир ой ичида телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш бўйича, шу жумладан телефон ўчирилган вақт учун қарзини тўламаса ёки 2.2.7-банд такрор бўлса, Оператор телефон рақамини олиб қўйиш ва бу ҳақда Абонентни ёзма равишда қамада 10 кун олдин топширилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан хабардор қилиш орқали шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Телефон ёки бошқа қурилмаларни янгидан ўрнатиш ариза берилгандан сўнг техник имкониятларга қўра, шартнома бекор қилинган даврдаги Абонентнинг ҳисоботидаги қарзлари узилгандан кейин 12 ой ичида тариф бўйича ўрнатиш ҳақининг 50 фоизи тўлангандан сўнг амалга оширилади. Бу ҳолатда умумий асосда янги телефон рақами берилади.
- 3.8 Автоматик маҳаллий (телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида), халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасида ҳақи тўланадиган сўзлашув вақти чакирлаётган телефон орқали жавоб берган ҳар қандай шахс билан сўзлашув бошланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Агар телефонга уланган қандайдир техник қурилма (факс, автожавоб берувчи, РАА ва ҳоказо) билан улашиш қолганда, ҳақ тўланадиган сўзлашув вақти қурилма билан улашиш пайтидан бошлаб ҳисобланади.
- 3.9 Абонент тўлашни лозим бўлган, сўзлашув давомийлиги ёки сўзлашувнинг унга тегишлилигидан норози бўлганда, ҳисоб варағини олгандан кейин 45 кун давомида ёзма равишда шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. 45 кун ўтгандан кейин даъволар қабул қилинмайди. Абонент текшириш натижаларидан норози бўлса судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- 3.10 Ушбу шартноманинг 3.9-бандини текшириш ўтказилаётган вақтда телефон уланган бўлиши керак.
- 3.11 Телефон ёки бошқа охириги қурилмалар Абонентнинг айби билан ишламаган вақти учун абонент тўлови тўлик миқдорда ундирилади.

4. БАҲСЛИ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 4.1 Бахсли масалаларни ҳал қилишда Томонлар келишиш чораларини кўрадилар.
- 4.2 Томонлар келиша олмаган тақдирда бахсли масалалар Ҳужалик судида ҳал этилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»га, «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисидаги», «Телекоммуникациялар тўғрисидаги» қонуллари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қондалари»га ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги конун актларига шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР

- 6.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши Томонларнинг таъбири ва истакларига боглик бўлмаган, вақтинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит бериладиган вазиятлар содир бўлганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат қарорлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолади, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли Томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.
- 6.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган Томон, дарҳол иккинчи Томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.
- 6.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида, 15 кундан кўп бўлмаган муддатда хабар бермаган Томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

7. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРТИШИ

- 7.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг розилиги бўйича шартномага қўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан киритилади. Томонларнинг шартномани ўзгартириш ва тўлдирish тўғрисидаги Битимни ёзма равишда бўлгандагина ва Томонларнинг имзоси билан тасдиқланган тақдирда қонуний қува эга бўлади.
- 7.2 Томонлар ўртасидаги шартнома шартларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми бўлиб қолади ва келгусида уларга амал қилиш мажбурийдир.
- 7.3 Шартнома Томонларнинг келишувига қўра, конун ҳужжатлари ўзгартирилганда, «Қондалар» ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда қайта тузилиши мумкин. Ушбу банд конун ҳужжатлари талабларига мос келади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1 Шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга қиради ва 2011 йил йил «31» декабргача амал қилади. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолганда, Томонлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, ушбу шартноманинг муддати хар йили чўзилган деб ҳисобланади.
- 8.2 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- Томонларнинг розилиги билан;
- шартнома мажбуриятлари Томонлардан бири тарафидан бажарилмаганда;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.
- 8.3 Ушбу шартнома бир хил юридик қува эга бўлиб, 2 нусхада тузилди ва Томонларнинг хар бирига бир нусхадан берилди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

ОПЕРАТОР
А.К. «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АНДИЖОН Ф.М.И.А.И
ШАХРИХОН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР БОГЛАМАСИ
ШАХРИХОН ШАХАР ЗЕБУНИСО КУЧАСИ 68-УЙ

(номи)
342 - 00 - 33 , 342 - 24 - 24 , 342 - 17 - 58

x/p - 20210000104074838308 ^

АТБ «Алоқабанк» Тошкент шаҳри

Код 00401

СТИР 203366731

61100

ХХТУТ

Рахбар

У. Йиғиталиев


АБОНЕНТ

индекс, почта манзили, телефон, факс
хисоб рақам 00022860032304042960082001
инн: 202181353 МФО - 00014.
Дев. 342-24-24

Ўз.Р. Миллия вазирлиги Ҳазначилик бош бошқармаси
x/p-23402000300100001010, инн: 202122919
МФО-00014 МБ-ББ ХККМ Тошкент шаҳар

Рахбар

(имзо)



Зомир Жолов. А. [Signature]

Алоқа хизмати кўрсатувчи Шахрихон телекоммуникациялар боғламаси ҳамда
Шахрихон туман Қишлоқ хўжалиги бўлими ўртасида 2022- йил "05" январдаги
34046.-сонли шартномага илова

(сумда)

Ойлар	Интернет нуктаси сони	1 М/Б нархи (сумда)	1 М/Б Интернет (сумда)	Жами сумма (сумда)	Тулаш мансаби	
					Бюджет х/р орқали 1000228600323070429 60082001	Ривожлантири ш жамгармаси х/р орқали
1	2	3	4	5	6	7
январ	1	80	3125	250000	250000	
феврал	1	80	3125	250000	250000	
март	1	80	3125	250000	250000	
1-чорак	3	40	9375	750000	750000	0
апрел						
май						
июн						
2-чорак	0		0	0	0	0
июл						
август						
сентябр						
3-чорак	0		0	0	0	0
октябр						
ноябр						
декабр						
4-чорак	0		0	0	0	0
Жами йиллик	3	40	9375	750000	750000	0

Шахрихон телекоммуникациялар

боғламаси раҳбари
М.у



Handwritten signature

У.Йигиталиев

Шахрихон туман Қишлоқ хўжалиги

бўлими
М.у



Handwritten signature

И. Исаев